ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1996 йил 5 октябрь № 79 (10.854)

## 6 октябрь — Халқ таълими ходимлари куни

# МУКОФОТ МУБОРАК!

Халқ таълими ходимлари байрами куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Республика халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармонга биноан мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол мафкураси ғоясини сингдиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари, шунингдек, ёшларга таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш, уларни ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, содиқ ҳамда порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш учун энг яхши моддий ва ахлоқий муҳитни таъминлашда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси, республикада ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасидаги улкан хизматлари учун бир гуруҳ халқ таълим ходимлари республикамиз орден ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари ҳам бор эди:

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

ЙЎЛДОШЕВ Тошпўлат — Пискент туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҚАЮМОВА Шоҳида Рашидовна — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### 1-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

СУЛТОНОВА Муҳаббат — Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТАНИБЕРДИЕВА Ўғилжон — Бекобод туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### 2-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВ Эргаш — Ўртачирчиқ туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ВАСЬКОВ Виктор Николаевич — Бекобод шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

БИСТРОВА Зоя Викторовна — Чирчиқ шаҳридаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЮЛДАШЕВ Бакир — Паркент туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҚОСИМОВА Санобар Қосимовна — Оҳангарон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

БОТИРОВА Карима Ғофуржоновна — Янгийўл туманидаги 52-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЗИЯЕВА Адолат Нурматовна — Юқоричирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

КИМ Лариса Владимировна — Оҳангарон шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.

КОСТЕЦКИЙ Василий Ануфриевич — Ангрен шаҳридаги 33-ўрта мактаб директори.

ОДИЛОВ Мираъзам Обидович — Пискент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

СОЛОВЬЁВА Светлана Евгеньевна — Олмалиқ шаҳридаги 5-мактаб гимназия ўқитувчиси.

ХЎЖАМҚУЛОВА Жумагул Гаппаровна — Чиноз туманидаги 4-мактаб интернат ўқитувчиси.

ЎРИНБОЕВА Маҳбуба — Бўка туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

**Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада халқ таълимини ривожлантиришдаги болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришдаги хизматлари, уларга касб маҳоратини ўргатиш, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик ва аҳлоқий фазилатларни шакллантириш ишига қўшган муносиб ҳиссалари учун бир гуруҳ халқ таълими ходимлари фахрий унвонларга сазовор бўлдилар. Улар орасида вилоятимизнинг қуйидаги вакиллари бор:**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

ИНОҒОМОВ Хайрулла Мансурович — Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

БОТИРАЛИЕВА Феруза Маликовна — Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ИГАМБЕРДИЕВА Зумрад Бакировна — Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТОШБОЕВА Рисгул Дусановна — Янгиобод шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

ДУРАНОВА Гулхан — Қуйичирчиқ туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси.

КАРИМОВ Нортожи — Бўстонлиқ туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МУСАБЕКОВ Эркин Шоюнусович — Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар санъат мактаби ўқитувчиси.

МУХСИМОВ Нурилла — Зангиота туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси.




# БАЙРАМ ОЛМАЛИҚДАН БОШЛАНДИ

**Вилоятимиз халқ таълими ходимларини шарафлашга бағишланган тантанали учрашув бўлиб ўтди**

***СЎНГГИ йиллар ичида қиёфаси тобора кўркамлашаётган бу шаҳар аҳли ёш авлод устозлари, мураббийларни шарафлаш учрашувига эрта тонгданоқ йиғилдилар. Кимёгарлар саройига кираверишдаги майдонда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган, ишда алоҳида намуна кўрсатган 127 нафар ўқитувчилар хушчақчақлик билан кутиб олиндилар.***

Байрам бошланди. Бир зумда даврага файз кирди. Президентимизнинг «Республика халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига кўра вилоятимиздан бундай шарафга муяссар бўлган ўқитувчилар исми-шарифи ўқиб эшиттирилди. Барча ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маълум муддат давом этган ўйин-кулгидан кейин муҳташам сарой устозларни ўз бағрига олди. Тантанали учрашувни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев очди. У таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиб, учрашув иштирокчиларини байрам билан табриклади.

Шунингдек, йиғилганларни Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вилоят ҳокими муовини Д. Жаҳонгирова, Халқобод лицей-мактаби ўқитувчиси Б. Эргашева қутладилар.

Сўнгра Олмалиқ шаҳрининг қатор бадиий дасталари ижросида катта томоша кўрсатилди.



Суратда: тантанадан лавҳалар.

# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ДА ДАВРА СУҲБАТИ

*БАРЧА соҳалардаги каби ислоҳотлар туфайли халқ таълими тизимида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Ўтган йилларда бутун мақсад — ёш авлодга чуқур билим бериш, Ватанга садоқатли, баркамол ёшларни вояга етказишга қаратилди. Янги ташкил этилган лицейлар, гимназиялар, иқтидорли болаларни саралаб ўқитиш синфларида дастурий таълим-тарбия ишлари республикамизнинг равнақ топишини кўзлаб олиб борилмоқда.*

*Истиқлол йилларида ўқитувчиларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Шу кунларда вилоятдаги 876 мактабда 467,6 минг ўқувчига 37 минг нафар ўқитувчи билим бермоқда. Уларнинг аксарияти, олий маълумотли, ўз ихтисосликларини пухта эгаллаган муаллимлардир.*

*Сўнгги йиллар мобайнида Президентимизнинг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга оид ва бошқа қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида жойларда замонавий мактаблар қуриш, бу масканларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари зиммасига муҳим вазифа юклади.*

*Юртбошимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони эса ана шу режаларни рўёбга чиқаришнинг кенг имкониятларини очиб берди. «Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин», дейилади фармонда.*

*Бунга кўра ана шу тантаналардаги ҳамма тадбирлар хизматини болалар ҳаёти билан боғлаган барча инсонларни шарафлашга бағишланади. Бундай ғамхўрлик қутлуғ айёмларни муносиб ютуқлар билан нишонлаётган халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар, боғча тарбиячиларининг дилида мустақил мамлакатимизга ифтихор туйғуларини янада қарор топтиради.*

*Биз мазкур сон саҳифаланаётганда Президентимимз фармони билан мукофотланган, таълим-тарбия бериш борасида бой тажриба орттирган бир гуруҳ маърифатчиларни мулоқот учун муҳарририятимизга таклиф этдик. Улар билан истиқлол йиллари мобайнида эришган муваффақиятлари, муаммолар ҳақида суҳбатлашдик. Биз уларга:*

*— ЎҚУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАРНИ МУҲИМ ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?*

*— ЎҚУВЧИЛАР ДИЛИГА ЙЎЛ ТОПИШДА ҚАЙСИ ЖИҲАТЛАРГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР ҚИЛИШ КЕРАК?*

*— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ИЗЧИЛ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН НИМАЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТМОҚЧИСИЗ? ЎЗИНГИЗНИНГ ФАРМОННИ ИЖРО ЭТИШДАГИ ИШТИРОКИНГИЗ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАР ДЕЯ ОЛАСИЗ? кабu саволлар билан мурожаат қилдик.*

## БИЛИМ — МАЪНАВИЯТ КАЛИТИ

**Олег АҲМЕДОВ,**
**вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи**

— САВОЛЛАРГА жавоб беришдан олдин халқ таълими соҳасида бажонудил ишлаб келаётган барча ходимларни, ўқитувчилар, умуман ёш авлод тарбиясига дахлдор ҳамма-ҳаммани байрам билан чин дилдан қутлайман. Энди бевосита мақсадга ўтиб, шуни айтмоқчиманки, бундан тўрт йил илгари қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳар бир фан бўйича дарс ўтиш тизими дастурини батафсил ишлаб чиқишни энг долзарб вазифа қилиб қўйган эди. Республика миқёсида турли-туман дастурлар яратилди. Ўқув-тарбиянинг янгича шакллари вужудга келди. Лицейлар, гимназиялар, иқтидорли болалар синфларидаги ўқитиш услуби ёш авлодга чуқур билим беришнинг ишончли манбаи сифатида ўзини оқлади. Ҳозирги пайтда вилоятда 4550 нафар ўқувчини бағрига олган 15 та лицей, 2 мингдан зиёд ўқувчини илмдан баҳраманд этаётган гимназиялар фаолият кўрсатмоқда. Улар кутилаётган натижаларга эришмоқдалар. Хусусан, «Халқобод» лицейидан ўтган йили 100 фоиз ўқувчи, Чирчиқ шаҳридаги 12-, Олмалиқдаги 16-мактаблар қошидаги ташкил этилган лицейлардан 81 фоиз ўқувчи институтларга қабул қилиндилар.

Мазкур ўқув йилидан бошлаб лицейларни битирган болаларга «сертификат» — касб гувоҳномаси беришни жорий қиляпмиз. Яъни, ўқувчи билим эгаси бўлиши билан бирга таржимон, дастур тузувчи, оператор, лаборант, ошпаз каби турли лавозимларда ишлай оладиган бўлади.

Гимназияни битирган талаба тасвирий санъатни идрок этадиган, мантиқ нималигини пухта тушунадиган, санъат асарини ўқий оладиган, нота ёзишни ҳам эгаллаган бўлиши лозим ва шунга эришамиз. Гимназия ўқувчиларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидан чуқур билим берадиган маскан бўлиб қолмоқда. Бу даргоҳларга талабаларни танлашга ҳам талаб ортди. Республика «Истеъдод маркази» шу йили 1109 ўқувчини «Зеҳн» тестидан ўтказиб, улардан 28 нафарини «Нафис санъат лицейи»га тавсия этганлигининг ўзиёқ буни яққол кўрсатиб турипти. Синовда энг чуқур илмли болалардан беш нафарига Улуғбек стипендияси белгиланди. Яна бир янгилик республикада биринчи бўлиб иқтидорли болаларни танлаш мақсадида Вилоят ўқитувчилар малака ошириш институти қошида «Болалар қобилиятининг руҳияти ва руҳий ташхис лабораторияси»ни очилганлигидир. Бу энг иқтидорли болаларни танлаб олишга хизмат қилмоқда.

ЎҚУВЧИЛАР билан тил топиш борасидаги саволингизга шундай жавоб бермоқчиман. Бундай муносабатларда аниқ андоза йўқ. Ҳар бир зиёкор қайси усулни қўлламасин, ҳатти-ҳаракати билан талаба қалбида илмга, ўз фанига меҳр уйғота олиши зарур. Кейинги йиллардаги «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрикларида муаллимларнинг бу йўналишдаги қобилиятлари тобора ошиб бораётганлиги яққол кўринди. Камтарлик, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлашга интилиш, илмга ташналик сезган болани рағбатлантира олиш, ўз фанини дастурдан ташқари замонавий янгиликлар билан бойитиш икки томон ҳамкорлигини мустаҳкамлаши тажрибада исботланган.

МАЪНАВИЯТ ҳамда маърифатни янада равнақ топтиришга бағишланган юртбошимиз фармони истиқлол мафкураси яратилаётган бугунги кун учун жуда муҳимдир. У ўқувчилар қалбида Ватанимизга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғотишда, уларни маънавий бойитишда, айниқса, аҳамиятлидир.

Фармон чиқиши билан барча мактаблар, лицейлар, гимназиялар жамоаларида у ўқиб ўрганилди. Бу ҳужжатни амалга оширишнинг аниқ тадбирлари белгиланди. Бу режалар орасида ўқувчиларда китобга қайта ҳавас уйғотиш мақсадида кутубхоналар ишини яхшилаш, болаларни санъат даргоҳлари билан таништириб боришга алоҳида эътибор бериладиган тадбирлар бор. Мактабларда бадиий ҳаваскорлик янада ривожлантирилади. Ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар, адабий асарлар юзасидан баҳс давралари уюштирилади. Ўқитувчининг меҳнатини қадрлаш, мавқеини ошириш бошқармамиз фаолиятининг диққат марказида бўлади. Албатта, маънавият бу бугун ёки эртага бажариб қуйиладиган вазифа эмас, маънавият у бизнинг бойлигимиз, у ҳамиша, ҳар қачон турмушимизни безайдиган ҳазинадир. Шундай экан, маънавиятимизни камол топтириш ҳар бир зиёкорнинг муқаддас бурчи бўлиб қолиши керак.

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Хайрулла ИНОҒОМОВ,**
**Қибрай туманидаги 16-мактаб география ўқитувчиси**

— БОЛАЛАР билимини ошириш, тарбиясини яхшилаб боришнинг асосий омилларидан бири ўқувчиларда илмга қизиқиш уйғота олишдир.

Бунинг учун ўқитувчи дарсдан ташқари пайтларда ҳам ўқувчилар билан эринмай ишлаши керак. Бизнинг мактабимизда «Ўлкашунослик» тўгараги шунга хизмат қилмоқда. Тўгаракда дастлаб мактабимиз, кейинчалик туманимиз ҳудудини ўрганиб, унинг табиий-географик хариталарини яратдик. У нашрга тайёрлаб қўйилди. Вилоятимиз туманлари, Фарғона водийларида саёҳатда бўлиб, таассуротларимизни баён сифатида қоғозга туширдик. Сафар чоғида ўзимиз ясаган кўргазмалар, альбомлар туман, вилоят бўйича ўтказилган кўрикларда муносиб баҳоланди. Икки йилдан буён Тожикистон мактабларидан ҳам келиб, бизнинг тажрибамизни ўрганиб кетишмоқда.

НАВБАТДАГИ саволга жавоб шуки, ўқувчи билан тил топиш учун ўқитувчи ўз фанини, ҳатто бошқа фан қирраларини ҳам пухта билишига уни ишонтириши керак. Хусусан, дарслардан ташқари пайтларда мен болалар билан географиядан мустасно тарзда, мусиқа ҳақида, адабиёт тўғрисида кўп суҳбатлашаман. Юқори синф ўқувчиларини саҳна асарларига жалб этганман. Ўзим ўзбек жангчи қаҳрамони Тўйчи Эрйигитов ҳақида «Ватан ўғлони» номли пьеса ёздим. Унга мусиқа басталаб саҳнада қўйдим. «Қалб амри» деб номланган пьесам бир қатор мактабларда, Тожикистон ўқув масканларида қўйилди. Қўшиқчи шоирлар шеърларига ёзган мусиқаларим китоб бўлиб чиқди. Буларни мен мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Ўқитувчи ижодкор бўлса, уни ўқувчилар тезда пайқаб олиб, атрофидан кетмайдилар. Менинг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Туркистон — умумий уйимиз» тест плакатларим ҳам 1995 йилда оригинал кўргазма қуроллари танловида республика биринчилигини олди. Бу мен учун фахрли.

ОЛДИНГИ суҳбатдошларим маънавият ва маърифат тўғрисидаги фармоннинг ўз вақтида чиққанлигини таъкидлашди. Чиндан ҳам шундай. Юртбошимиз бу соҳаларга эътиборни кучайтиргани учун раҳмат. Уни амалга ошириш биз зиёлилар, маҳалла қўмиталари раислари, «Камолот» ёшлар жамғармаси аъзоларининг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак. Бу мақсадда вилоят мактабларининг ўқитувчиларидан гуруҳлар тузиб, шаҳар ва қишлоқларда суҳбатлар ўтказиш, мустақиллик йиллари ичида республикамизда эришилган ютуқларни халқимизга етказиш айни муддао бўлур эди.

## МАОРИФ ИСЛОҲОТИ ЙЎЛИДА

**Шоҳида ҚАЮМОВА,**
**Тошкент туманидаги 6-мактаб инглиз тили ўқитувчиси**

— КЎРГАЗМАЛИ қуроллар, ўқув воситаларисиз дарс самарадорлигини ошириб бўлмайди. Шу боис мактабимизда бор имкониятларни яратишга туман халқ таълими бўлими, мактаб маъмурияти алоҳида аҳамият берди. Инглиз тили хонаси лингофон, магнитофон, графопроекторлар билан жиҳозланган. Ҳамкасбларим қайд этганларидек, ўқувчиларга чуқур билим бериш учун дарс соатларининг ўзи камлик қилади. Машғулотлардан кейин ҳам ўқитувчи болалар билан изчил шуғулланиши лозим. Ана шу ўринда унинг элим деб, юртим деб ёниб яшаши, фидойилиги намоён бўлади. Мени бир нарса қувонтиради. Шогирдларим кўп. Улардан айримлари чет тиллар институтини битириб, ўзим билан бирга ишлашяпти. Улар орасида Муножот Сулаймонова, Жамшид Ҳамидуллаев, Раъно Эшмуҳамедова, Муҳаббат Аҳаджоновалардек малакали мутахассислар ва бу мутахассисликни эгаллаётганлар ҳам бор.

МУАЛЛИМ ўқувчисини ҳам ўз фарзандим деб ҳисобласа унинг тақдири билан яшаса умумий тил топишаверади. Бу, албатта, мен ўйлаб топган янгилик эмас. Педагогика таълимотининг асосий хулосаларидан бири шу аслида. Лекин сўнгги йиллар ичида маълум даражада ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги масофа йироқлашиб қолаётгандек сезилади. Шу йироқлик бўлмаслиги учун дарсдан ташқари пайтларда кўп тадбирлар ўтказяпмиз. Концертлар саҳна кўрсатувларига ота-оналар ҳам таклиф этиладилар. Улар ўғил-қизларининг инглиз тилида бемалол сўзлашаётганларидан хурсандлар.

Илгари чет тилига эътибор суст эди. Энди бошланғич синфлардаёқ бу фанга қизиқиш катта. Шуни ҳисобга олиб Халқ таълими вазирлиги тил ўрганиш учун қулай қўлланмалар, тавсияномаларни кўпайтираётгани яхши бўлмоқда.

МАЪНАВИЯТ — бу гўзаллик, усиз яшаб бўлмайди. Унинг олами кенг. Олинган билимларни халқ манфаати йўлида қўллаш лозим. Айни пайтда биз ўқитувчилар истиқлол самараларини элимизга тарғиб қилишда олдинги сафда бўлишимиз зарур деб ҳисоблайман. Зероки, мустақиллик қадриятларни тиклаш, аждодларимиз меросига ҳурмат билан қарашдек имкониятларни яратди, бунинг учун кенг уфқлар очиб берди.



**Суратларда: (чапдан ўнгга) вилоятимиздан республика ҳукумати мукофотига сазовор бўлган халқ таълими ходимларидан бир гуруҳи — Қибрай туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» фахрий унвони эгаси Хайрулла Иноғомов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Шоҳида Қаюмова, Пискент туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Тошпўлат Йўлдошев.**

## КЕЛАЖАК ОЛИМЛАРИНИ БУГУНДАН ТАРБИЯЛАЙЛИК

**Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,**
**Пискент туманидаги 28-мактаб физика ўқитувчиси**

— ЎҚИТУВЧИ ўқита туриб ўзи ҳам муттасил ўқиб борса унинг меҳнати самара беради. Илгари олинган «билим юки» билан бир умр юраман, деб ўйласа узоққа бориб бўлмайди. Муаллимнинг уйида каттами-кичикми кутубхона бўлиши керак. Ундан бадиий адабиётлар билан бирга, ўз фанига оид илмий адабиётлар, услубий қўлланмалар ўрин олса, нур устига аъло нур. Мен ўқитувчининг ўз соҳасига оид газета ва журналларни мунтазам ўқиб боришини зарурат деб биламан. Чунки илм оламида янгиликлар кўп, улардан жуда бўлмаса бир «чимдими»ни ўзлаштириб, болаларга берса, фақат савоб топади. Қолаверса, ўқувчилар ўзларида доимо нимадир кутилмаган янгилик, маълумотга ташналик сезадилар. Буни ҳисобга олиш керак.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ самарадорлиги ўқитувчи ижодкорлигига боғлиқ. Турли тадқиқот ишлари билан ўқувчини ўзига тортган муаллимгина жамиятга ҳам, мактабга ҳам фойда келтиради.

Ёдимда. Янги иш бошлаганимда дастлабки беш йил ичида қийналганман. Шундай билим бериш учун физикадан ёзилган дарсликнинг ўзи кифоя эмаслигини сездим ва ўз устимда ишлашга берилдим. 70-йиллардаёқ ўқувчиларим республикада олимпиада ғолиблари бўлишганда сергакланиб, ўзгача масъулият ҳис эта бошладим. Ана шундан буён талабаларим етти марта физика фани бўйича олимпиадаларда республика биринчилигини эгаллашди. Ўқувчи меҳнати зое кетмадими, ўқитувчи ёнидан у асло жилмайди. Билимга ихлос қўяди. Бунинг исботи шогирдларим орасида физика бўйича фан докторлари, номзодларининг кўпайиб бораётганлигидир. Бундан беҳад қувонаман. Яна ва яна шогирдлар етиштириш иштиёқидаман.

АВВАЛО шуни айтиш керакки, мазкур фармон биринчи навбатда ўқитувчилар руҳини кўтариб юборди. Унда муаллим қадрини оширишга алоҳида эътибор берилди. Зиёлилар шунақа халқки, ширин гапдан ором топади. Ўзини ҳурмат қилинаётганини сезса, кучига-куч қўшилиб, жонини фидо қилиб ишлайди. Бошқа минглаб ўқитувчилар каби мен ҳам фармондан илҳом олиб, ёш авлодни мустақил мамлакатимизга муносиб ўғил-қизлар қилиб тарбиялашга ҳисса қўшаман.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТДА ГАП КЎП

**Нурилла МУХСИМОВ,**
**Зангиота туманидаги 15-мактаб химия ўқитувчиси**

БИЛИМ самарадорлиги ҳақида гап борар экан, мен амалиётга кўпроқ вақт ажратиш керак, демоқчиман. Бу тажрибада исботланган. Маълумки, мактабларда очиқ дарслар ўтиб туради. Уларда кўп қатнашаман. Хулосам шундайки, адабиёт ёки тарих, география ёки математика фани бўладими, амалий машғулотлар жараёнига ўтилганда синфлар жонланиб кетади. Масалан, адабиётда саҳнавий кўринишларни ижро этиш, математикада ечилаётган формула нимага хизмат қилишини кўрсата билиш, физика, химияда лаборатория ишларини бажариш ўқувчиларнинг дарслардаги фаоллигини оширади.

Муаллим доимо изланишда бўлиши керак, деган фикрга қўшиламан.

ЎҚУВЧИНИНГ руҳиятини билиш керак. Бунинг учун у билан ўз ўртоғидек бўлиб сўзлашиш ўринли. Болага бағриочиқлик, унда ўз ўқитувчисига нисбатан меҳр уйғотади, фанга ихлос қўзғайди. Шу услубда дарс бериб яхши натижаларга эришдим. Фанимга қизиқувчилар кўп. Ҳар йили мактабимиздан икки-уч нафар бола Тошкент Давлат медицина институтига, яна бир қатор ўқувчилар турли институтларнинг химия факультетларига ўқишга кирмоқдалар.

Ўқувчи оиласида тез-тез бўлиб, ота-онаси билан суҳбатлашиш боланинг ижобий томонларини оила аъзолари олдида очиқ-ойдин айтиш, нуқсонлари бўлса «ҳаммамиз биргаликда тузатадиган томонлари ҳам йўқ эмас» қабилида мулойимлик билан тушунтириш ҳам яхши самаралар бераётганига ўзим гувоҳман.

МАЪНАВИЯТ — бу одоб-ахлоқнинг чўққиси. Маънавият — бу китоблар, аждодларимизнинг маданий меросларини, бадиий асарларини, обидаларни қадрлаш дегани. Тўғрисини айтсам, йиллар давомида бу соҳаларга эътибор сусайиб кетган эди. Мустақиллик йиллари ичида бу нуқсон тўғриланди. Президентимизнинг ана шу хизмати учун бир ўқитувчи сифатида миннатдорман. Чунки аждодлар руҳи олдида энди дилимиз пок. Улар яратган дурдоналар мактабларда ўрганилмоқда.

Таклифларим ҳам йўқ эмас. Дарсликлар, адабий асарлар нархи ҳақида ўйлаб кўриш керак. Чунки болаликда қанча кўп ўқилса у муҳрланиб қолади. Китобларнинг тарбиявий самараси юқори бўлади. Ўзим имкони борича ўқувчиларимга китоб ўқишни, телеахборотларни кўриб боришни, газета-журналлар билан танишишни тарғиб қилаяпман. Чунки, газета ўқиган ўқувчи республикамизда рўй бераётган ўзгаришлардан, албатта, кўпроқ хабардор бўлади.

**Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг ходимлари Саидвали ҲАСАНОВ, Даврон АҲМАД тайёрладилар.**

